



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисида

Ватанимиз мустақиллигини мустахкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шухратини юксалтириш, ислохотларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш соҳасидаги узоқ йиллик қаҳрамонона

на меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун куйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини берилиб, олий нишон – «Олтин юлдуз» медали топширилсин:

Иброгимов Комил – «Навоий иссиқлик электр станцияси» очик акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш техника бўлими смена бошлиғи, Навоий вилояти

Нарзиёв Тўра Икромович – «Аму-Бухороканалқурилиш» акциядорлик жамиятига қарашли

4-қўйма механизациялашган жамланма экскаваторчиси, Бухоро вилояти

Тўйчиев Алим Исмаилович – «Ўзбекистон ме-


таллургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг электрда пўлат эритиш цехи эритувчиси, Тошкент вилояти

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Тошкент шаҳри,
2009 йил 25 август.

И. КАРИМОВ.



Иброгимов
Комил



Нарзиёв Тўра
Икромович



Тўйчиев Алим
Исмаилович

Истиқлол менинг тақдиримда

ИФТИХОР

Мана, 18 йилдирки, она Ўзбекистонимиз тенглар ичра тенг мустақил давлат сифатида жаҳон харитасидан муносиб ўрин эгаллаб, халқорамойдонда юксак нуфузга эга бўлиб бормоқда. Бу ҳар бир фуқарога алоҳида фахр ва ифтихор бахш этади.

Мен, ҳар гал истиқлол туйғусини кўнглимдан кечирар эканман, Бахтовуддин Нақшбанд, Аҳмад Фарғоний, Амир Темур сингари улуг аждодларимиз, Махмудхўжа Бехбудий, Мунавваркор, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Қўлпон, Усмон Носир каби юзлаб маърифатпарвар, фидойи юрдошларимизнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳақоний маълумотларни ўрганишга муваффақ бўлдим.

Мустақиллик бизга ўз тақдиримизни ўзимиз яратиш имконини берди. Бугун озод ва обод юртимизнинг қай бир гўшасида бўлмаган, амалга оширилган улкан ислохотларни, халқимиз қалбига жўш ураётган бунёдкорлик ва яратувчилик туйғуларини ҳис этасиз. Ижтимоий соҳа деисизми, саноат ёки қишлоқ ҳўжалиги дейсизми, жамиятимиз ҳаётининг барча ҳабҳасида юз бераётган янгиланишлар турмушимизнинг фаровон этиб, бизни янги-янги зафарлар сари чорламақда. Президентимиз айтганларидек, «Ислохот ислохот учун эмас, энг аввало, инсон манфаатлари учун» хизмат қилмоқда.

Мустақилликнинг илк давридаёқ, «Ўзбекистон – келажакда буюк давлат» деган эзгу даъват бугун ҳаётимизда ўз тасдиқини топмоқда. Ўтган қисқа даврда, Ўзбекистон ҳар бир соҳада ўз макенини мустахкамлаб бормоқда. Фалла ва нефть

мустақиллигига эришилгани, юртимизда ишлаб чиқарилаётган самолёт ва замонавий машиналарга, турли экспортбон маҳсулотларга нафақат ички бозор айни пайтда, жаҳон бозоридида ҳам талаб катта бўлаётгани, албатта, Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятидан дарак беради. Ўзбекистон ёшларининг жаҳон спорт майдонларида, нуфузли фан беллашувларида юқори ўринларни эгаллаб, бошқаларда ҳавас уйғотаётгани ҳам юрт келажиги ишончли қўлларда эканлигидан далолатдир.

Албатта, бу утуқлар биз учун чегара эмас. Юртбошимизнинг улуг даъвати биз – ёшларни яратилган барча қўлайликлардан самарали фойдаланиб, мустақам билим олишига, касб-хўна сирларини чуқур эгаллашга, маъна ва жисмонан соғлом улғайишга ундабгина қолмай, бекёёқ куч-ғайрат бахш этади. Шундай ёшлар камол топаётган юртининг эртаси бундан-да ёруғ, келажак бундан-да буюк бўлиши шубҳасиз.

Юлдузхон
ФАЗЛИДИНОВА.

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

Яна саноқли кунлардан кейин мактабларда биринчи кўнжроқ анграб, янги ўқув йили бошланади.

Бу йил Зангиота туманидаги умумтаълим мактаблари 24 минг 639 ўқувчини ўз бағрига олади.

Давлат умумийлиги дастурига асосан 11-, 13-, 27-ва 43-умумтаълим мактаблари капитал реконструкция қилинди. 10-, 12-, 14-мактаблар капитал, 39-бошланғич мактаб жорий таъмирланди. Шунингдек, халқаро жамғармаларнинг кредит маблағлари ҳисобига Хонобод қишлоғида 47-умумтаълим мактаби учун 315 ўринли янги бино бунёд этилмоқда.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ.

2010 обуна
йил учун бошланди
ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
газетасининг индекси – **205.**

МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2009 йил 25 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн саккизи йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонида биноан Ватанимиз мустақиллигини мустахкамлаш, унинг халқаро миқёсидаги нуфузини ошириш, халқимиз маданияти ва маънавиятини

юксалтириш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси, бетакрор истеъдоди, серқирра ижоди, илмий фаолияти, халол хизмати билан эл-юрт ўртасида ортирган обрў-эътибори, фан, таълим, адабиёт, маданият, санъат, соғлиқни сақлаш, спорт ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун бир гуруҳ юрдошларимиз фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди.

Улар орасида вилоятимиз вакилла-

ридан «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси Дилноза Исмиёминова («Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони), Бекобод шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникаси педиатри Муяссар Асатова (II даражали «Соғлом авлод учун» ордени), Ангрен шаҳар Алишер Навоий номидаги маданият маркази ижодиёт бўлими услубчиси Турдиали Пардаев («Шўхрат» медали) борлиги қувончлидир. Биз уларни юксак мукофотлар билан чин дилдан табриқлаймиз.



Мустақиллиқнинг 18 йиллигига

Янгийўл тумани Эски Қовунчи қишлоғида «Plasteks» тўқимачилик корхонаси иш бошлади. Бу ерда Европанинг жаҳонга машҳур компанияларидан олиб келинган замонавий ускуналарда йиғирилган ип – калава ишлаб чиқарилмоқда.

МАҲСУЛОТЛАРИМИЗ ЭКСПОРТГА

Корхона маҳсулотлари асосан экспортга йўналтирилган бўлиб, Туркия, Португалия, Германия ва Голландия мамлакатлари билан узоқ муддатли шарт-

номалар имзоланган. Ички бозордан ҳам буюртмалар бор.

– Маҳсулот ишлаб чиқаришда нафақат пахтанинг биринчи навидан фойдалана-

миз, – дейди корхона директори Аскар Иноғомов. – Келгусида йилига 5 минг тоннадан зиёд маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эришмоқчимиз.

СУРАТЛАРДА: цехнинг замонавий ускуналари кўзни қувватлатади; ип йиғирувчи Захро Қурбоннова янги корхонада ишлаётганидан мамнун.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

Август кенгаши

ТАЪЛИМДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

Келажакимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги кунини қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим-тарбия олишига боғлиқ.

Вилоят Маънавият-тарғибот марказида бўлиб ўтган аънавий август конференциясида бу сўзлар қайта-қайта тилга олинди. Йигиллиши вилоят ҳокими ўринбосари Содик Абдуллаев очиб, йиғилганларни мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги, янги 2009-2010 ўқув йили билан қутлади.

Дастлаб, 2008-2009 ўқув йилида вилоят ўрта махсус касб-хўна таълим тизимида амалга оширилган ишлар сарҳисоби ва 2009-2010 ўқув йилида бажарилиши лозим бўлган устувор вазифалар ҳусусида вилоят ўрта махсус касб-хўна таълими бошқармаси бошлиғи Ҳасан Иброҳимовнинг маърузаси тингланди.

– Бугунги кунда – вилоятимиз ўрта махсус касб-хўна таълими бошқармаси тасаруфидида 103 та таълим муассасасида 144 йўналиш бўйича малакали мутахассислар етказиб берилмоқда, – деди нотиқ. – Ўрта махсус касб-хўна таълими тизими соҳасида фаолият кўрсатган педагог ва педагог-муҳандислар 5416 нафар бўлиб, улардан 4 нафари фан доктори, 76 нафари фан номзоди, 16 нафари илмий-тадқиқотчилардир. 2009 йилда вилоятимизда манзилли дастур асосида 9660 ўқувчи ўринли 16 та ўрта махсус касб-хўна таълими биноларини янгидан қуриш, 5085 ўқувчи ўринли 7 та таълим муассасасини реконструкция қилиш йўли билан жами 14745 ўқувчи ўринли 23 та касб-хўна коллежлари ва 1 та 495 ўқувчи ўринли академик лицейни фойдаланишга топшириш режалаштирилган

бўлиб, ҳозирги кунда 5 та касб-хўна коллежи ва 1 та академик лицей янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди. Биз янги 2009-2010 ўқув йилини 85320 ўринга эга бўлган 120 ўқув даргоҳида бошлаймиз.

Конференция ишида асосан 3 йўналишга жиддий эътибор қаратилди. «Таълим раёвнинг ташкил этиши», «Маънавий-ахлоқий тарбия ишларининг самарадорлигини ошириш» ҳамда «Битирувчилар таълимининг кейинги босқичи» ёки эгаллаган мутахассислик бўйича йўналиш қилиб қўйилди. Шунингдек, йиғилишда ўқитувчи ва педагог ходимларнинг малакасини ошириш, ўқув-меъёрий ҳужжатлар ва таълим технологиялари, янги педтехнологияларни жорий этиш билан боғлиқ муҳим масалалар ҳақида ҳам фикрлар билдирилди. 2008-2009 ўқув йилини тугаллаган битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш, 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-хўна коллежларига қамраб олиш ишлари ҳам алоҳида тўхталинди.

– Ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси билан изчил ҳамкорлик йўлга қўйилди, – дейди вилоят ўрта махсус касб-хўна таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари Рустам Бобоқулов. – Касб-хўна коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш мақсадида ҳар бир ҳудудда икки мартадан жадвал асосида махсус Меҳнат ярмаркалари ташкил этилиб, 16 мингга яқин битирувчи тегишли маслаҳатлар олди ва иш ўринлари билан таъминланди.

2008-2009 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 9-синфини битирган 42414 ўқувчи касб-хўна коллежларига қабул қилинди. Биз август кенгаши иштирокчиларидан бир гуруҳининг шахсий фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

– Бугун барча соҳаларда бўлгани каби таълим тизимидаги янгиланишлар ҳам қиёсани кўрсатиш касб-хўна коллежи директори ўринбосари Гулсара Холиқова. – Янги ўқув йилини коллежимиз янги бинода бошлайдиган бўлди. 450 ўринли замонавий ўқув муассасамизда 9 та йўналиш бўйича мутахассис тайёрланади. Ўқувчиларнинг кўпчилиги бухгалтерия, моделлаштириш ва лойихалаштириш йўналишларига қизиқшади. Бугунги август кенгашидан катта таассуротлар олдик. Таълим тизимида янги технологияларни жорий этиш бугуннинг энг долзарб вазифаси эканлиги қайта-қайта таъкидланди.

Ўртақчирик қишлоқ ҳўжалиги касб-хўна коллежида 993 ўқувчи 5 та йўналиш бўйича таълим олади, – деди коллеж услубчиси Муқаддас Қўтибобоева. – Бу йил коллежимизнинг транспорт воситаларини ишлаш ва таъмирлаш, тикувчилик йўналишларига қизиқиб катта. Бойси бу йўналишларда ҳусулий корхоналар очилган ва вилоят ва туманларда кўп иш қилинапти.

Бўлиб ўтган анжуманда бу борадаги имкониятларимизни янада кенгайтириш, таълим жараёнида янги педтехнологияларни қўллаш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Ўлғубек ҲАМРОҚУЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»
муҳбири.

